

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАҲЛИЛНИНГ МУҲИМЛИГИ

Аннотация. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи субъектлар учун жорий активларнинг тутган ўрни муҳимлигини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу корхоналарда товар-моддий захиралари, пул маблағлари ва дебиторлик қарзлардан самарали фойдаланиш таҳлил жараёнлари ташкил этилишини тақозо этади. Жорий активларни таҳлил қилишда амалдаги тартибларида айрим камчиликлар учраб турганлиги, жорий активларни баҳолашдаги ва ҳаракатини таҳлил қилишдаги мавжуд муаммолар мавзунинг долзарблигини характерлайди.

Калит сўзлар: жорий активлар, жорий активлар бошқарув тизими, ўз маблағлари, инвестициялар, кредитлар, энергия самарадорлиги, таннарх.

1. Кириш.

Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи Янги Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар, юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект учун ишлаб-чиқариш фаолиятини амалга оширишлари учун маълум даражада маблағ талаб этилади. Мазкур маблағлар ҳисобига хўжалик юритиш жараёнида турли хил функцияларни бажариши билан бир қаторда уларнинг ҳолати ва ҳаракатини тўғри амалга оширилишида таҳлил ишлари муҳимдир. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида жорий активлардан самарали фойдаланиш эвазига маҳсулот таннархининг камайиши, фойданинг кўпайиши ва рентабеллик даражасининг ошишига эришилади. Шу сабабли Республикамизда фаолият кўрсатаётган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларида ҳам ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, уларнинг фаолиятини ўрганишга қаратилган самарали иқтисодий таҳлилни юритиш долзарб ҳисобланади.

2. Адабиётлар таҳлили.

Глобал иқтисодиёт шароитида тармоқларнинг узлуксиз фаолият юритиши ва барқарор ривожланиши муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда республикамизда иқтисодий ислохотларни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Иқтисодий ислохотларнинг боришини чуқур ўрганиш ва тўғри хулосалар чиқаришда эса иқтисодий таҳлил омиллардан бири ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида иқтисодий таҳлилни тўғри йўлга қўймасдан хўжалик фаолиятини тўғри бошқариш ва баҳо бериш мумкин бўлмайди. Ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида албатта маълум даражадаги жорий активларга эга бўлиши лозим. Айниқса, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини узлуксиз ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқариш суръатларини пасайтирмаслик учун ҳам жорий активлар таҳлилини тўғри ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил этиб бориш долзарб ҳисобланади.

Хўжалик алоқалари шартномаларга асосланиб амалга оширилади. Натижада битта хўжалик субъект товар-материал захираларини етказиб берувчи, ишларни бажарувчи ва хизматларни кўрсатувчи, иккинчи хўжалик субъекти эса сотиб олувчи, истеъмолчи сифатида майдонга чиқади, натижада ушбу қийматликлар, иш ва хизматларнинг қийматини тўлаш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Ушбу алоқалар натижасида ҳосил бўлган ҳисоблашишларни аниқ ташкил қилиш жорий активларнинг тезкорлик билан пулга айланиши ва маблағларининг ўз вақтида келиб тушишига шароит яратиб беради. Хўжалик субъектлар фаолиятида жорий активлардан

самарали фойдаланиш эвазига маҳсулот таннархи камайиши, фойданинг кўпайиши ва рентабеллик даражасининг ортишига эришилади. Бироқ, бу жорий активларни қай тарзда шакллантириш ва улардан фойдаланишга бевосита боғлиқ. Шу сабабли бу соҳада таҳлил ва назорат ишларини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга. Хўжалик юритувчи субъектнинг жорий активлари ишлаб чиқариш ва ҳисоб-китоб функцияларини бажариши бўйича тавсифланиши лозим. Ишлаб чиқариш функцияси орқали жорий активлар ишлаб чиқаришнинг маромийлигини таъминлаши, муомала функцияси бўйича уларни товар шаклидан пул шаклига айланишида ҳисоб-китоблар назарда тутилади.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари ўз ишлаб чиқаришини бир меъёрга самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган бизнес-режаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқариш захиралари билан таъминлашга алоҳида эътибор берадилар. Чунки, ҳозирги вақтда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш захиралари билан етарли даражада таъминланмаганлиги сабабли ишлаб чиқариш фаолияти туриб қолишига сабаб бўлмоқда. Хўжалик субъектларнинг ишлаб чиқариш захиралари билан ўз вақтида, зарурий миқдорларда, белгиланган сифатда ҳамда бир маромда таъминланиши шу билан биргаликда улардан оқилона фойдаланиш пировард натижада унинг иқтисодий ривожланиши ва тараққий этиши учун ҳар томонлама таъсир этади. Ишлаб чиқариш захираларида асосий эътибор ушбу захираларнинг шаклланиш манбаларига қаратилади.

Мазкур мавзуга оид иқтисодчи олимларнинг назарий ва амалий жиҳатлари юзасидан фикрларини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, Ж.Шрайбфедер фикрига кўра «Захираларнинг самарали бошқарилиши истеъмолчилар талабларининг кондирилишига ва соф фойданинг максималлаштирилишига хизмат қилади», деб таъкидлайди.

С.Седки, А.Смит ва А.Стрикландларнинг фикрича, «товар-моддий захиралар ҳисоби корхона томонидан амалга оширилган харажатларни тўлиқ ифода этиши ва инвесторлар учун кутилаётган фойда хусусида тўлиқ ахборот беришга хизмат қилиши керак» - деб таърифлайди.

Fararishah Abdul Khalid, Samantha Reina Lim таъкидлашича, «Товар-моддий захиралар корхона активлари таркибида катта салмоқни ташкил этади. Товар-моддий захиралар миқдорининг камлиги ёки кўплиги ишлаб чиқариш занжирига таъсир этиб, фаолиятнинг барқарорлигига таъсир этади» деган умумий таъриф берган.

Н.Ладутько фикрига кўра, «Ишлаб чиқариш захиралари хом ашё, материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар, конструкциялар, деталлар, ёқилғи ва бошқалар, яъни товар-моддий бойликлар тайёр маҳсулот олиш мақсадида инсон меҳнати уларга йўналтирилган меҳнат предметлари ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнида асл шаклини сақлайдиган ва маҳсулотга баҳони босқичма-босқич ўтказувчи меҳнат воситаларидан фарқли ўлароқ, меҳнат объектлари тўлиқ истеъмол қилинади, ўз қийматини шу маҳсулотга тўлиқ ўтказиши ва ҳар бир ишлаб чиқариш циклидан кейин алмаштирилади» деб таъкидлаган.

О.Левковичга фикрича «Ишлаб чиқариш захиралари деганда, меҳнат предметлари сифатида фойдаланиладиган, қайта ишлаш ёки ишлаб чиқариш жараёнида янги фойдаланиш қийматини яратишда ёки иқтисодий эҳтиёжлар учун фойдаланиш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш элементлари тушунилади. Улар тўлиқ бир ишлаб чиқариш циклида истеъмол қилинади ва ўз қийматини маҳсулот (ишлар, хизматлар) қийматига тўлиқ ўтказиши» деган хулосага келган.

Товар-моддий захиралари ҳаракати билан боғлиқ барча муомалалар бухгалтерия ҳисобини юритишдаги асосий ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни орқали амалга оширилади. Ушбу қонуннинг 12-моддасида активлар ва мажбуриятларни баҳолаш тартиби келтирилган. Мазкур қонун билан бирга бир қатор бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)лар ҳам товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ҳисобланади.

Бу борада республика иқтисодчи олимларидан А.Каримов, А.Ибрагимов, Н.Ризаев, Н.Имамова фикрларига ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларнинг 9-сон

«Молиявий инструментлар: маълумотларни очиб бериш»га асосан «Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг сўндириш саналарини очиб беришни талаб этади. Товар-моддий захиралар каби номонетар активлар қопланишининг кутилган санаси ва резервлар каби мажбуриятларни сўндиришнинг кутилган санаси тўғрисидаги маълумотлар ҳам фойдалидир, бунда активлар ва мажбуриятлар жорий сифатида ёки узоқ муддатли сифатида таснифланишидан қатъий назар. Масалан, тадбиркорлик субъекти ҳисобот давридан сўнг ўн икки ойдан ортиқ бўлган даврда қопланиши кутилган товар-моддий захиралар суммасини очиб беради» деган фикрини илгари суради.

С.Ташназаровнинг фикрича «миллий стандартимизда товар-моддий захираларга берилган таърифда «....маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш» деган жумлани олиб ташлаш керак, деб ўйлаймиз, чунки бу жумлалар узоқ муддатда фойдаланадиган моддий активларнинг таърифида ҳам келтирилган».

Бундан ташқари иқтисодчи олимлар А.Каримов, Ф.Исломов ва А.Авлокуловлар ишлаб чиқариш захиралари хусусида тўхталиб, «Ишлаб чиқариш захиралари хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини нормал давом этишини таъминлайди» деган фикрларини келтириб ўтган.

Бизнинг фикримизча, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси учун жорий активларни бошқариш модели орқали қуйидаги бизнес жараёнларининг ўзаро боғлиқлигига асосланиши мақсадга мувофиқ:

- инвестиция – ҳисоб-китоб жараёни;
- маҳсулот етказиб бериш, ишлаб чиқариш, сотиш жараёни.

Инвестиция ҳисоб-китоб жараёнининг асосий кўрсаткичлари: ҳар бир янги операцион циклда ишлаб чиқариш активлари учун авансларни бошқариш; яъни қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқларида йиллик ишлаб чиқариш жараёнига инвестициялар, уни қисқа муддатли молиялаштириш ва ҳисоб-китоблардаги маблағларни бошқаришдир. Шу билан бирга пул маблағларини бошқариш жараёни қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси кирим ва чиқим бўйича пул оқимларини шакллантириш, уларнинг келгусидаги алоҳида даврлар учун ҳажм ва вақт бўйича мувофиқлаштириш, жорий активлар айланишининг узлуксизлигини таъминлаш учун вақтинча бўш пул маблағлари қолдиқларидан самарали фойдаланиш муҳимдир.

Тадқиқот методологияси.


Ушбу тадқиқотда қўлланилган методология қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида жорий активлар бошқарув тизимини ва унинг имкониятларини такомиллаштириш масалалари ўрганилиб, таҳлил, синтез, абстракт-мантикий ва танқидий фикрлаш ҳамда умумлаштириш усуллардан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Бугунги кунда қурилиш материалларига бўлган талабнинг ортиши сабабли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш мақсадида бўйича 2019-2022 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари ҳукуматимиз томонидан тегишли қатор фармон ва қарор топшириқларига асосан амалга оширилмоқда. Жорий активларнинг шаклланиш манбаларига назар ташлайдиган бўлсак, унинг асосий манбаси сифатида ўз айланма маблағларининг мавжуд суммаси ҳисобланади. Яъни, хўжалик юритувчи субъектининг ўз манбалари биринчи навбатда узоқ муддатли активларини қопловчи манба бўлиши ҳамда қолган қисмигина жорий активларни қоплашга тегишли бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, хўжалик субъектлари жорий активларини банк кредитлари ҳисобига, кредиторлик қарзлари ҳисобига ҳамда бошқа манбалар ҳисобига ҳам шакллантириш мумкин. Хўжалик субъекти имкон қадар жорий активларини кредиторлик қарзлари ҳисобига шакллантирмаслиги лозим бўлади. Шу жиҳатдан ҳам мамлакатдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари қўллаб-қувватлаш ва жорий активларни шаклланиш манбаларини ошириш мақсадида бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқарилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармонида келтирилган Давлат дастурида «2022 – 2026 йилларда 5 млрд. АҚШ долларлик лойиҳаларини амалга ошириш орқали қурилиш

материаллари соҳасини янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш», Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли қарорига мувофиқ «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан жами лойиҳалар қиймати 666,6 млн. АҚШ доллар ажратилиб, шундан хорижий кредит линияларидан ажратиладиган кредитлар 500 млн. АҚШ доллар, лойиҳа ташаббускорларининг ўз маблағлари ҳисобидан 166,6 млн. АҚШ доллар маблағ берилиши белгиланган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июндаги «2019-2021 йилларда Навоий вилоятининг Ғозғон шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 611-сонли қарорига асосан «Ўзмилий банк» томонидан жами 266,6 млн. АҚШ доллар, шундан хорижий кредит линияларидан ажратиладиган кредитлар 200 млн АҚШ доллар ва 66,6 млн. АҚШ доллар эса лойиҳа ташаббускорларининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 24 октябрдаги Тошкент шаҳрида олиб бор илаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш жараёнида берилган топшириқлари тегишли баёнига кўра «Ипотекабанк» томонидан Хорижий кредит линияларидан ажратиладиган кредитлар 150 млн. АҚШ доллари ҳамда Лойиҳа ташаббускорларининг ўз маблағлари ҳисобидан 50 млн. АҚШ доллар йўналтирилган. Асосий мақсад тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини оширишга қаратилган. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқори даражадаги ташрифлар доирасида эришилган келишувлар асосида тадқиқот объекти ҳисобланган «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси бўйича хорижий мамлакатларга ва хорижий мамлакат раҳбарларининг Ўзбекистонга юқори даражадаги ташрифлар дорасида умумий қиймати 2295,3 млн.долларлик 44 та келишувга эришилган. Хусусан, Россия Федерацияси (ПҚ-2885, 12.04.2017 й, ПҚ-3997, 03.11.2018 й) лойиҳалар умумий қиймати 476,5 млн. АҚШ доллар, Хитой Халқ Республикаси (ПҚ-2982, 19.05.2017 й.) ЎР ВМ Президуми тегишли баёни 29.06.2018 й.) лойиҳалар умумий қиймати 1107,0 млн. доллар ва бошқалар. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда жорий активлар таркибидаги тайёр маҳсулотларни таҳлил қилишда ва уларни бошқаришни таҳлил этишда замонавий ёндашувларни талаб қилади.



1-расм. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида цемент ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлиги кўрсаткичлари¹

Амалий маълумотлардан фойдаланган ҳолда тадқиқот объекти «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси таркибидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни, яъни 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида цемент ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Ушбу расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки,

¹ Тадқиқот объекти «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасида жорий активлар таркибида энг кўп улушни тайёр маҳсулотлар, яъни цемент маҳсулотлари 2019 йилда ҳўл усулда ишлаб чиқарилган бўлиб 3,5 млн тоннани, яъни жами ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 31 фоизини, 7,5 млн тоннаси куруқ усулда ишлаб чиқарилиб, жами маҳсулотни 69 фоизини ҳосил қилган.

2021 йилга келиб эса 1,5 млн. тонна ҳўл усулда ишлаб чиқарилиб, жами цемент маҳсулотини 9 фоизини, 14,9 млн. тоннаси эса 91 фоизни ташкил этган. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, уюшма таркибидаги цемент ишлаб чиқариш корхоналарида мазкур йиллар давомида энергия самарадорлиги кўрсаткичларидан фойдаланишни ижобий баҳолашимиз мумкин.

Бошқарув жараёнида барча қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиши, унинг алоҳида тармоқлари таркибидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг узлуксиз ишлашини, ўз навбатида уларнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида жорий активларнинг тузилиши, уларнинг таркибини манипуляция қилиш зарур. Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда ҳўжалик юритувчи субъектларда жорий активлардан самарали фойдаланиш ва уларнинг тўғри бошқарилишини юқоридаги

2-расмда кўришимиз мумкин. Ушбу расм маълумотларида ҳўжалик юритувчи субъектлар жорий активларини бошқариш модели 4 та асосий жараёнга ажратилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

➤ *Ишлаб чиқариш жараёни* - тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;

➤ *Инвестицион жараён* - пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, ҳисоб рақамидаги маблағлар ва бошқаларни бошқаруви;

➤ *Таъминот жараёни* - меҳнат буюмларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш захираларни сотиб олиш, ишлаб чиқаришга юбориш ва бошқаларни бошқаруви;

➤ *Маҳсулотларни сотиш жараёни* - қурилиш материалларига бўлган талабни аниқлаш, юклаб жўнатиш ва бошқаларни бошқаруви.

Шунингдек, асосий мақсад тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини оширишга қаратилган. Бу эса соҳанинг яқин истиқболга мўлжалланган истиқболлари ва стратегиясини белгилаб, тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини оширишга қаратилгандир. Оддий такрор ишлаб чиқариш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришдан фарқли ўлароқ, ҳўжалик юритувчи субъект фойдасини ташкил этувчи қўшимча қиймат яратилади. Бундан кўринадики, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини самарали ташкил этиш таъминот жараёнига бевосита боғлиқдир. Таъминот жараёнининг асосий мақсадларидан бири ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда товар-моддий захираларнинг етарли миқдорда бўлиши ҳисобланади. Ҳар бир қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси бозорда мустақкам ўрин эгаллаши учун етарли даражада халқаро стандартларга мос ва замон талаблари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўлиши ва уларни ишлаб чиқаришда тежамкорлик билан фойдаланиши зарурдир.

Шу боисдан қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича тадқиқот объекти «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси таркибида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сон «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази ташкил этилди. Ушбу марказнинг ваколати ва стратегиясидан келиб чиққан ҳолда жорий активларни бошқариш тизимида иккита функционал жараён аниқланди: илмий-тадқиқот ва инжиниринг босқичи; ишлаб чиқариш ва сотиш жараёни.

2-расм. Хўжалик юритувчи субъектларда жорий активлар айланишини бошқариш модели¹¹ Муаллиф ишланмаси

«ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг марказининг жорий активларини бошқаришнинг функционал моделини ифодалашимиз мумкин. Мазкур марказнинг жорий активларини бошқаришнинг функционал тизимларини ўрганиш орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг илмий-тадқиқот ва инжиниринг босқичи ишлаб чиқариш ҳамда сотиш жараёнининг жорий активлари айланишининг бошқаришни оддий такрор ишлаб чиқариш бошқариш даражаси сифатида тавсифлаш имконини берди.

Ушбу жараёнлар асосида жорий активлар таркиби ва тузилиши бошқаруви, маблағлар ҳажмини бошқаруви, жорий активлар манбаларини бошқаруви, хусусий капитал бошқаруви, қарз капиталини бошқаруви, хатарларни олдини олиш бошқаруви, жорий активлар самарадорлигини бошқаруви, айланишни бошқаруви ва рентабеллик бошқаруви кўрсаткичлари таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Муаллиф томонидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хўжалик юритувчи субъектларда жорий активлар айланишини бошқариш модели ва жорий активларни шакллантириш бўйича таклифи асосида «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси тизимидаги хўжалик субъектларининг ўз маблағлар манбаи 1,1 баробарга ва жорий активлар ҳажми эса 1,2 баробарга ўсганлигидан далолат беради.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари ўз ишлаб чиқаришини бир меъёردа самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган бизнес-режаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқариш захиралари билан таъминлашга алоҳида эътибор берадилар. Чунки, ҳозирги вақтда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш захиралари билан етарли даражада таъминланмаганлиги сабабли ишлаб чиқариш фаолияти туриб қолишига сабаб бўлмоқда. Хўжалик субъектларнинг ишлаб чиқариш захиралари билан ўз вақтида, зарурий миқдорларда, белгиланган сифатда ҳамда бир маромда таъминланиши шу билан биргаликда улардан оқилона фойдаланиш пировард натижада унинг иқтисодий ривожланиши ва тараққий этиши учун ҳар томонлама таъсир этади. Ишлаб чиқариш захираларида асосий эътибор ушбу захираларнинг шаклланиш манбаларига қаратилади.

4. Хулоса ва таклифлар.

Фикримизча, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулотларни ишлаб чиқаришда муаммолар қуйидагиларга кўра юзага келади: ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқаларнинг бузилиши, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг етарли даражада эмаслиги ва бошқалар. Демак, товарлар ҳаракати тизимини оптималлаштириш хўжалик юритувчи субъектларда сотишни бошқаришнинг энг муҳим йўналиши деб ҳисоблайди ҳамда ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача бўлган маҳсулотларнинг жисмоний ҳаракатини режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича комплекс фаолият сифатида тушунилади.

Тадқиқот натижаларидан кўриш мумкинки, жорий активлар элементларини бошқариш учун қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонасини бошқаришда ўзига хос бошқарув механизми, муайян ёндашув, услуб ва усулларга асосланган. Бизнингча, жорий активларни бошқариш механизмининг ишлаб чиқишда тизимли ёндашув муҳим саналади. Чунки, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мажмуини бошқариш моделида жорий активлар айланиш босқичларини бизнес жараёнларига мослаштириш, хўжалик юритувчи субъект операция циклининг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминловчи жорий активларни бошқаришнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради.

Шунингдек, аҳолининг йилдан йилга қурилиш материалларга бўлган талабнинг ортиши сабабли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давомийлик жараёнини таъминлаш ҳамда цемент маҳсулотлари таннархининг ўзгармаслигини олдини олиш йўллари белгилаш зарур. Жумладан: қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида тайёр маҳсулотларни, шу жумладан ишлаб чиқариш таннархини ўзгармаслик йўллари аниқлаш; хўжалик юритувчи субъектнинг бошқаруви томонидан ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлардан самарали фойдаланиш; тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ортиқча сарф-харажатларни олдини олиш; - узлуксиз ишлаб чиқаришни амалга

ошириш учун етарли маблағлар ва товар-моддий захиралар билан таъминлаш орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхона фаолияти юқори даромад олишга интилиши; жорий активлар таҳлилини ташкил этиш орқали турли босқичларда амалга ошириш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ЎРҚ-404-сон Қонуни. 2016 йил 13 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4335-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 24 октябрдаги Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш жараёнида берилган топшириқлари тегишли баёни.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июндаги “2019-2021 йилларда Навоий вилоятининг Ғозғон шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 611-сонли қарори.
6. Sam Sedki, Abby Smith, Aissa Strickland. Differences and Similarities Between IFRS and GAAP on Inventory. Revenue Recognition and Consolidated Financial Statements. Journal of Accounting and Finance vol. 14(2) 2014.
7. Fararishah Abdul Khalid, Samantha Reina Lim. A study on inventory management towards organizational performance of manufacturing company in Melaka. //International Journal of Academic Research in Business and Social Sciences Vol. 8, No. 10, Oct. 2018.
8. Каримов А.А., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Имамова Н.М. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари Дарслик. -Т: «МОЛИҲА». 2021. –Б. 235.
9. Ташназаров С.Н. Товар-моддий захиралар таннаҳи ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил, 5-бет.
10. Шрайбфедер Дж. Эффективное управление запасами / Джон Шрайбфедер: Пер. с англ. — 2-е изд. — М.: Альпина Бизнес Букс, 2006. — С. 15.
11. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлокулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т: «Шарқ» НМАК. 2004. – Б. 235.
12. Ладутько Н.И. Бухгалтерский учет в промышленности: учебное пособие/ Н.И. Ладутько. – Мн.: Книжный Дом, 2005. – С. 174.
13. Левкович О.А. Бухгалтерский учет: учеб. пособие / О.А. Левкович, И.Н. Тарасевич. – 8-е изд., перераб. и доп. – Минск: Амалфея, 2012. - С. 129.